

Ўзбекистон ШХТга раислик даврида ташкилот фаолиятини барқарор ритмда таъминлади



Аввал хабар берганимиздек, Пойтахтимизда Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Самарқанд саммити якунларига бағишланган халқаро конференция иши давом этмоқда.

Тадбирда сўзга чиққан ШХТ Бош котиби ўринбосари Григорий Логвинов Ўзбекистоннинг мазкур ташкилотга раислигини юқори баҳолади. Таъкидланганидек, ўн икки ойнинг етти ойида Ўзбекистон дунёда рўй бераётган жадал ўзгаришлар, халқаро ҳаётда қарама-қаршилик тенденциялари кучайган шароитда, мисли кўрилмаган силкинишлар билан кечаётган ўзгаришлар даврида раислик қилди. Шунга қарамай, Ўзбекистон ШХТ фаолиятини барқарор ритмда таъминлади. Шу фонда яқинда Самарқандда бўлиб ўтган саммит алоҳида аҳамиятга эга. ШХТга аъзо давлатлар раҳбарларининг саммити сўнгги уч йил ичида биринчи марта шахсан ўтказилди ва бу замонавий шароитда жуда долзарб бўлди. Саммитда ШХТнинг асосий тамойиллари - Ташкилот фаолиятида очиқлик ва шаффофлик, учинчи давлатларга қарши ҳаракат қилмаслик, БМТ Низомига риоя қилиш яна бир бор тасдиқланди. Шу билан бирга, ШХТ Бош котиби ўринбосари таъкидлаганидек, ушбу ташкилот ривожланиши ва фаолиятининг устувор йўналишлари нафақат кузатувчи, балки узоқ вақт давомида ҳамкор бўлиб келган кўплаб мамлакатларни қизиқтирмоқда. Айни пайтда ШХТни янада ривожлантириш йўлида қилинадиган ишлар кўп. Эслатиб ўтамиз, Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти томонидан Ташқи ишлар вазирлиги ва Марказий Осиё халқаро институти (МОХИ) билан ўзаро ҳамкорликда ШХТ Минтақавий аксилтеррор тузилмаси Ижроия қўмитаси кўмагида ташкил этилган тадбирда ШХТга аъзо давлатлар, шунингдек, узоқ хориждаги қатор давлатлар, жумладан, АҚШ, Белгия, Буюк Британия, Германия, Франция, Венгрия ва бошқа мамлакатларнинг эксперт ва таҳлилий доираларидан 30 дан ортиқ таниқли вакиллар иштирок этади.

манба